

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 183-ҳадис

183 - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَهَلَّلْنَا، أَصْحَابَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، بِالْحَجِّ خَالِصًا وَحَدَهُ، قَالَ عَطَاءٌ: قَالَ جَابِرٌ: فَقَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صُبْحَ رَابِعَةِ مَضَتْ مِنْ ذِي الْحِجَّةِ، فَأَمَرَنَا أَنْ نَحِلَّ، قَالَ عَطَاءٌ: قَالَ: «حَلُّوا وَأَصِيبُوا النَّسَاءَ»، قَالَ عَطَاءٌ: وَلَمْ يَعْرِمْ عَلَيْهِمْ، وَلَكِنْ أَحَلَّهُنَّ لَهُمْ، فَقُلْنَا: لَمَّا لَمْ يَكُنْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ عَرَفَةَ إِلَّا خَمْسٌ، أَمَرْنَا أَنْ نُفْضِيَ إِلَى نِسَائِنَا، فَتَأْتِي عَرَفَةَ تَفْطُرُ مَذَاكِيرُنَا الْمَنِيِّ، قَالَ: يَقُولُ جَابِرٌ بِيَدِهِ - كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى قَوْلِهِ بِيَدِهِ يُحَرِّكُهَا - قَالَ: فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِينَا، فَقَالَ: «قَدْ عَلِمْتُمْ أَيَّ اتِّقَاكُمْ لِلَّهِ وَأَصْدَقُكُمْ وَأَبْرَكُكُمْ، وَلَوْلَا هَدْيِي لَحَلَلْتُ كَمَا تَحْلُونَ، وَلَوْ اسْتَفْبَلْتُ مِنْ أَمْرِي مَا اسْتَدْبَرْتُ، لَمْ أَسْقِ الْهَدْيَ، فَحَلَّلْنَا وَسَمِعْنَا وَأَطَعْنَا، قَالَ عَطَاءٌ: قَالَ جَابِرٌ: فَقَدِمَ عَلَيَّ مِنْ سَعَائِيهِ، فَقَالَ: «بِمَ أَهَلَّلْتَ؟» قَالَ: بِمَا أَهَلَّ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَأَهْدِ وَأَمْكُثْ حَرَامًا»، قَالَ: وَأَهْدَى لَهُ عَلَيَّ هَدْيًا، فَقَالَ سُرَاقَةُ بْنُ مَالِكِ بْنِ جُعْشَمٍ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلْعَامِنَا هَذَا أَمْ لِأَبَدٍ؟ فَقَالَ: «لِأَبَدٍ».

[خ 1516، م 1216، ت 817، س 291، د 1787، جه 2913].

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Биз - Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари - фақат ҳажга деб эҳром боғладик. Набий соллаллоху алайҳи васаллам зулҳижжа ойидан тўрт кун ўтганда келиб, бизларни эҳромдан чиқишга буюрдилар. У зот: «**Эҳромдан чиқинглар, аёлларга яқинлик қилаверинглар**», дедилар - Ато: «Буни уларга шарт қилмадилар, ҳалол қилдилар, холос», дейди - Биз: «Арафагача беш кун бор, холос. Бизни аёлларимизга қўшилиб,

закаримиздан маний томганча келишга буюрдилар-ку», дедик. - Жобир қўли билан ишора қилди. Унинг қўлини қимирлатиб ишора қилгани ҳамон кўз ўнгимда - Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орамизда туриб: **«Сизларнинг Аллоҳга энг кўп тақво қиладиганингиз, энг ростгўйингиз ва энг эзгуингиз эканимини биласизлар. Ҳадийим бўлмаганида, сизлар эҳромдан чиққандек эҳромдан чиқардим. Бундай бўлишини билганимда, ҳадий ҳайдаб келмасдим. Эҳромдан чиқинглар»**, дедилар. Биз эҳромдан чикдик, эшитдик ва итоат қилдик.

Алий ҳам закот йиғишдан келиб қолди. У зот: **«Сен нимага эҳром боғладинг?»** дедилар. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нимага эҳром боғлаган бўлсалар, ўшанга», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Ҳадий атагин-да, эҳромда қолавер»**, дедилар. Алий у зотга (деб ҳайдаб келган) ҳадийни берди. Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу фақат шу йил учунми ёки тоабадми?» деди. У зот: **«Тоабад»**, дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

